

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Манзар Абдулхайров

НАВОИЙ МЕРОСИ – СЎЗ МАХЗАНИ

Тошкент – 2005

85.5 (55)

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг Давлат таълим стандартлари ўқув бўлими режаси асосида тайёрланди. Рисолада Алишер Навоий ижодиётининг яна бир муҳим қирраси бўлган лексик хусусиятлар, хусусан, янги аниқланган сўзлар таҳлил этилади. Мазкур рисола Олий ва ўрта мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига, филолог аспирантлар, магистр ва бакалаврларга мўлжалланган.

Муаллиф:

доц. **М.Абдулхайров**

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори
профессор **Э.Умаров**


Тақризчилар:

филология фанлари доктори
профессор **Х.Болтабоев**

филология фанлари доктори
Ш.Сирожиддинов

1031462
0

Мазкур услубий қўлланма Мирзо Улуубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультетининг Илмий Кенгаши тавсиясига кўра ЎзМУ ўқув – методик Кенгаши томонидан 2004 йил 28 январдаги 4 –сонли мажлис баёни билан тасдиқланган.



МУҚАДДИМА

Истиқлол йилларида ҳалқимизнинг ўз ўтмиш маданий ва маънавий меросига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Шу жиҳатдан ёзма ёдгорликларимизнинг таркибий қисми бўлган ҳазрат Алишер Навоий ижодиётини чуқур ўрганиш давр талабига айланмоқда. Зоро, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, «Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англали туйғуси ҳам бизнинг онгу – тафаккуримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган... Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида «халқ», «ЭЛ», «улус», «юрг», «раият» деган сўзларининг «мехр», «мурувват», «оқибат», «саҳоват», «садоқат» сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз»¹. Демак, Навоий асарларидаги ҳар бир сўзнинг маъно инкишофи алоҳида илмий қимматга эта.

Ўзбекистонда йигирма жилдан иборат Алишер Навоийнинг «Мукаммал асарлар тўплами»нинг пашр этилиши, шубҳасиз, фан оламида оламишумул воқеа бўлди. Ушбу асарлар Навоий меросини тўлиқ қамраб олган ва изоҳлар билан таъминланган. Бу эса, Алишер Навоийнинг катта ҳажмдаги бой меросига турли фан соҳалари йўналиши бўйича янгича усуlda ёндошишни тақозо этади, янги – янги илмий тадқиқотлар яратишга асос бўлади. Негаки, шу пайтгача Навоий ижодиёти тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашр этилмаган эди. Шу маънода Президентимизнинг «Навоийни севсак, ўзбек ҳалқини севган бўламиз»², деб таъкидлаганларида катта маъно бор. Чунки бутун дунё ҳалқлари эътиборида бўлган Навоий ижодиёти мангаликка даҳлдор меросдир. Эндиликда Навоийни таниган жаҳоннинг турли ўлкаларидаги миллат вакиллари ўзбек ҳалқини ҳам танимоқда.

Қомуслар мумтоз асарларни ўқиш ва уқиш, уларга ҳаққоний баҳо беришда кўзгу вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳар бир ҳалқнинг тарихан миллий маънавиятининг шаклланишида лугат манбаларнинг ўрни беқиёс. Шу жиҳатдан, Навоий асарлари юзасидан қадимда

¹ «Ўзбекистон адабиети ва санъати» рўзномаси, Т., 2001, 25 август.

² «Ўзбекистон адабиети ва санъати» рўзномаси, Т., 2003, 9 май.

ва ҳозирда ҳам бир қатор луғат манбалар яратилган. Масалан, «Бадоиъул – луғат», «Ҳамса бо ҳалли луғат», «Абушқа», «Санглоҳ», «Луғати туркий», «Луғоти атрокия», «Луғати чигатойи ва туркий – усмоний», «Ҳалли луғати чигатойи», «Нисоби Навоий», «Луғати Амир Навоий», «Ҳалли луғати «Ҳамса»йи Навоий», «Дар баёни луғати Навоий», «Ҳалли луғати чигатойи «Ҳамса»йи Навоий», «Мунтахаб ул – луғат» ҳамда Порсо Шамсиевнинг «Навоий асрлари тилининг изоҳли луғати» каби қомуслар шулар жумласидаидир.

«Алишер Навоий асрлари тилининг изоҳли луғати» буюк мутафаккир шоирнинг бебаҳо асрларини ўқиши ва тушуниш учун китобхонларга катта ёрдам берувчи фундаментал тадқиқотдир. Унинг нашр қилиниши тадқиқотчилар учун ҳам бой фактик материаллар берди. Изоҳли луғатдан фақат ўзбек мумтоз асрлари тилинингизна эмас, балки кўпгина бошқа туркий ҳалқларнинг адабий ва тарихий қўлёзма манбаларини ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Луғат ўтмишда ва ҳозирда яратилган барча луғат манбаларнинг бой тажрибасига асосланилган ҳолда тузиленган.

Мазкур луғат ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Тарихий лексикология ва лексикография» (1983 – 1985 йиллар) бўлимида тайёрланиб, нашр этилган. Изоҳли луғатни тузишга катта илмий жамоа жалб этилган бўлишига қарамасдан, турли сабабларга кўра, луғат Навоий асрларидағи барча сўзларни қамраб олмаган. Бу ҳол кўпроқ ўша давр мафкураси таъсиридаги бир ёқламалик оқибатида юз берган.

Тилга олинган луғатларнинг биронтасида Алишер Навоий асрларидағи барча сўзлар қамраб олнимаган. Шунинг учун Навоий асрлари лексикасини тўлалигича акс эттирадиган қўшимча луғатлар тузиш ҳамда лексикографик тадқиқотлар яратиш иши навбатдаги энг зарур ишлардан бири саналади. Бусиз Навоийнинг бадиий сўз қўллаш маҳорати, ўзбек адабий тилини бойитишдаги ўрни ҳақида, баралла гапириш бир оз ножоиз кўринади. Демак, «Навоий асрлари лексикаси» мавзуудаги тадқиқот иши ана шу жиҳатларига кўра ҳам кечикириб бўлмайдиган долзарб илмий – услубий ишлардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб мазкур тадқиқот олдига қуийдаги масалалар қўйилди:

- Навоий асарларининг изоҳли лугатига кирмай қолган сўзларни аниқлаш ва картотека қилиш;
- Навоий асарларининг изоҳли лугатига кирмай қолган сўзларнинг йиғиш тамойилларини белгилаш;
- Мутафаккир асарларида янги аниқланган сўзларнинг генеологик таркибини ёритиш;
- Атамаларнинг лугавий ва истилоҳий маънолари орасидаги маъновий алоқаларни аниқлаш;
- Янги аниқланган лексик бирликларни олдинги давр ёзув ёдгорликлари ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тили ва шева материаллари билан чоғиштириши;
- Янги аниқланган сўз ва ибораларнинг ўзбек тили лугат таркибини бойитишдаги ўрни.

Ушбу методик қўлланмада Алишер Навоий лексикасини таҳдил этишда қуийдаги масалаларга зътибор берилди:

- Навоий асарлари тили ҳақида умумий маълумот бериш;
- Навоийшуносликнинг муҳим қиррасини ёритиш;
- Навоий асарлари тилини олий ва ўрта маҳсус билим юртларида ўқитиш муаммолари;
- Шоирнинг бадиий маҳорати ва сўз қўллаш услубини аниқлаш;
- Навоий асарларини диний услубда ўрганиш, тадқиқ этиш; зоро шоир асарларини тушуниб тадқиқ этиш учун диний манбалардан, диний илмдан хабардор бўлиш шарт ва зарурийдир;
- Навоий Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ҳадисларидан унумли фойдаланган ва бу хилдаги илмий изланишлар ҳадис илмини ўрганишдаги баъзи мушкулотларни ечишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласи.

Навоий асарлари тилининг ўрганилиш тарихи

Буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий асарлари тили туркийшунос олимлар томонидан диахроник аспектда кўп маротаба атрофлича тадқиқ этилган¹. Хусусан, шоир ижодиёти тилининг фонетик, лексик-семантический, морфологик, грамматик хусусиятлари монографик тадқиқотлар обьекти бўлган². Аммо ҳам эътироф этиш жойизки, Навоий мероси бир уммондир, ундан ҳар бир тадқиқотчи, «қучогига сиққани»ча олам-олам «дуругавҳар»лар олиши мумкин. Негаки, Навоий ижодиёти хоҳ тил, хоҳ адабиёт ва ёки бошқа фан соҳалари нуқтаи-назаридан олиб қаралгандা ҳам ниҳоясиз бутун бир тафаккур оламини, улкан меросни ўзида мужассам этгай. Демак, Навоий мероси тадқиқ этилгани сари унинг очилмаган қирралари намоён бўла боради. Зоро, тарихий манбалардан маълумки, соҳибқирон Амир Темур асос солган темурийлар салтанати Навоий шахсиятининг тафаккур оламида нашгъу намо толишида замин ҳозирлаган десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Собиқ иттифоқ даврида Навоий асарлари тўлиқ нашр этилмаган эди. Шу туфайли, мутафаккир асарларидағи кўплаб сўзлар, ҳатто кўп жилдлик «Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»дан ҳам жой олмаган. Баъзи диний-тасаввифий маъно анлатувчи сўзлар, шунингдек, фалсафий, диний, илоҳий тушунчаларни ифодаловчи айrim ғазаллар ҳам тадқиқот обьекти бўлмаган. Бунга сабаб собиқ иттифоқ даври иммидаги бирёқламалиқдир.

Навоий асарларини шарҳлаш учун фақат тил ёки адабиёт билимларининг ўзигина етарли эмас. Негаки, ҳозирда шу нарса ҳам маълум бўлмоқдаки, Навоий

¹ Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. — Т., 1984; Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Махбуб-ул-кулуб» Алишера Навои: АКД — Т., 1958; Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Ҳазойин-ул-маданий» Алишера Навои: АКД — Т., Л., 1968 ва бошқалар.

² Борисков А.К. «Бадди ал – лугат». Словарь Тали Имами Гератского к сочинениям Алишера Навои. — М., 1961; Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои: АДД — Т., 1966; Бафосов Б. Лексико-произведения Алишера Навои: АДД — Т., 1989; Нишонов А.Х. Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов в языке Навои: АКД — Т., 1990; Аширгебое С. Алишер Навоий настрий асарларидағи содда гапларнинг таркийи ва маъно хусусиятлари: АДД — Т., 1990 ва бошқалар.

асарларини таҳдил қилиш кишидан ҳар томонлама чуқур билим, синчков тадқиқотчи бўлишни талаб этади. Қолаверса, собиқ иттифоқ даврида бунга унчалик имкон ҳам берилмаган. Натижада ўта салоҳиятли илм аҳллари илм қилишдан воз кечишгани, бошқа касбу кор қилишгани ҳам яқин тарихдан маълум. Зотан, бугунги давр Навоий асарлари устида тадқиқот олиб бориш учун профессионал илмга эга бўлишни тақозо этади.

Кўп йиллар Навоий мероси замонавий фан – техника ютуқлари асосида тадқиқ этилди. Бу борада анча натижаларга эришилди ҳам. Навоий асарлари лексикаси Farb ҳалқлари даҳолари асарларининг лексикасига муқояса этилиб фикр – мулоҳазалар айтилди. Навоий бутун ижоди мобайнида қўллаган сўзлар салмоғи ҳам уларнидан ортиқлиги аниқланди. Ҳатто унинг асарларидағи сўзлар айрим тадқиқотчилар томонидан жами 26035 та деб эътироф этилди¹. Лекин мустақиллик йилларида 20 жилдан иборат "Муқаммал асарлар тўплами" нашр этилганидан сўнг бу кўрсаткичлар қанчалик нисбийлиги маълум бўлиб қолди. Биз мазкур "Муқаммал асарлар тўплами"даги сўзликларни "Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати"га муқояса қилганимизда мингдан ортиқ сўзлар ушбу изоҳли лугатда қайд этилмагани маълум бўлди. Қолаверса, Навоий асарларидағи сўзларнинг кўп маънолилиги, маъжозий маъноларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичларнинг суръати ўз – ўзидан ошади. Бундан ташқари, Қуръон ояглари ва сўзлари ҳам анчайин қисмни ташкил этади.

Навоий асарларида шундай тил ҳодисалари мавжудки, буларни жамлаш ва тадқиқ этиш ўзбек тилининг ўтмишини ўрганища мухим аҳамиятта моликдир. Шоир асарларида қадимги туркий тилга, шунингдек, XIV–XV асрлар ёзма ёдгорликлари тилига хос лексик элементлар, айрим сўз шакллари учрайди. Улардан баъзилари тишлинослиқда кенг тадқиқ этилмаган. Масалан, чубрутмоқ феъли «Мұҳокамат ул – луготайн»² да санаб ўтилганлигини ҳисобга олмаганда, Навоий асарларида фақат бир ўринда қайд этилган:

¹ Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. АДД – Т., 1989, с. 9.

² Алишер Навоий. Мұҳокамат ул – луготайн. – Т., 2000, XVI том, 13 – бет.

Мен куярмен ҳажр аро, ҳар дам ўтум тез эткали,
Эй танаңум аҳли, васл афсонасин чубрутмангиз¹.

Ушбу феъл дастлаб «Девону луготит турк» асарида чубартті, чубартур, чубартмоқ, чубартурсіді шакларида «ишите», «ограбил», «обдирал» маъноларида эътироф этилган².

Юқоридати байтда чубрутмоқ феъли кўчма маънода «ўғирламоқ», «талон – тарож қилмоқ», яъни «эй аҳли неъмат васл афсонасин форат қилмангиз» (изоҳ бизники – М.А.) маъносида қўлланган.

Ёки Навоий асарлари ва ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилган “ўргатмоқ” феълининг “ўтратмоқ” фонетик вариантоши ҳам Навоий асарларида бир ўринда икки маротаба қайд этилган, холос: “Ҳар ким тарқ қиласа тийрандозлиқни ўгрғондин сўнг бас тарқ қилиш бўлғай менинг суннатимни, ул мендин эмас», шунингдек: “Аммо хабарда андоқ келтирурким, чун Ҳазрати Одам Сафий (салавоту лиллоҳи алайҳи) дунёга келгандин сўнг Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади. Эрса Жаброил (алайҳиссалом)га амр бўлдиким, Одамга дәхқончиликни ўгроттил”³. Мазкур феъл “Девону луготит турк” асарида ёғратті, ёғратур, ёғратмак тарзида “изучил”, “выучил” маъноларида қайд этилган⁴. Бундан ташқари, шоир асарларида ўзлашма қатламга хос характерли мисоллар ҳам кўп учрайди. Масалан, форсча киссабур сўзи Навоийнинг «Ҳайрат – ул аброр», «Маҳбуб – ул қулуб» асарларида икки ўринда қўлланилган:

Бу кечада бир кисабурни нақбзан,
Бўлмиш эди маскани нақбкан⁵

Ёки: «Гуноҳ аҳли тавқу занжирға гирифтор, бу занжиру тавқлари салосил ва ағлоддин намудор. Киссабур била муқаммир асосларидин бозор ва қиморхонаға мустаъжар»⁶. Ушбу сўзнинг фонетик вариантоши киссавур – «чўнтак ўғриси» ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг

¹ Алишер Навоий. Фаворид ул – кибор. – Т., 1990, VI том, 144 – бет.

² Девону луготит турк: Индекс. – Т., 1967, 334 – бет.

³ Алишер Навоий. Рисолай тайр андохтан. – Т., 2000, XVI том, 303 – бет.

⁴ Девону луготит турк: Индекс. – Т., 1907, 192 – бет.

⁵ Алишер Навоий. Ҳайрат – ул аброр. – Т., 1991, VII том, 243 – бет.

⁶ Алишер Навоий. Маҳбуб – ул қулуб. – Т., 1998, XIV том, 30 – бет.

қўлланилади¹. Умуман, бундай сўзлар нафақат «Навоий асарларининг изоҳли луғати»да қайд этилмаган, балки Навоий асарлари тили юзасидан қилинган тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топмаган.

Навоий асарлари тилини ўрганиш масаласига доир

Улуғ шоир, сўз сеҳрбози Алишер Навоий ўзининг улкан ижодий мероси билан ўзбек адабий тилининг тарихан камол топишида улкан ҳисса қўшган, унинг бойлигини бутун жаҳон афкор оммасига намойиш эта олган мўътабар зотдир. Эндилиқда ҳам шоирнинг мумтоз асарлари ҳозирги ўзбек адабий тили муаммоларини ҳал этишда йўлчи юлдуз бўлиб келмоқда.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Навоий ўз асарларини уч тил (турк, форс, араб тили) маҳзанларидан унумли, ўринли фойдаланган ҳолда ёзди. Шу билан бирга, қадим турк маданияти ёзма ёдгорликлари услубияти анъаналаридан моҳирона фойдаланди. У турк тили имкониятлари нақадар сарҳадсиз эканлигини амалда исботлади. Зоро, буюк жонкуяр тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луготит турк» асарининг муқаддима қисмида шундай ёзади: «Ишончли бир бухоролик олимдан ва нисобурик бошқа бир ишончли олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғамбарга нисбат бериб айтган эдилар: пайғамбар қиёматнинг белгилари, охир замон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида шундай деган эди: турк тилини ўрганиш, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади... Ҳадиснинг тўғри ёки тўғри эмаслигининг жавобгарлиги айттан кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир: ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қиласди»². Ана шу ўғитларга риоя қилиш, уларни қадрлаш Алишер Навоий меросида муҳим ўрин тутади. Зотан, мутафаккир асарларида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асаридағи кўплаб этнонимлар, соғ тилшуносликка оид лингвистик атамалар.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М., 1981, I — жилд. 389 – бет.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк: Уч томлик. I том. Таржимон ва надрга тайёрловчи филология фанлари номзоди С.М.Муталибов. — Т., 1960, 43 – 46 – бетлар.

шунингдек қадимги туркий тилга хос лексик бирликлар учрайди. Улардан шоир такрор—такрор фойдаланади. Дарҳақиқат, бутунги мустақиллигимиз онлари ҳам туркий тил имкониятларини яна бир бора намойиш этмоқда, десак муболага бўлмайди.

Ҳозирда барча олий таълим ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва барча умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш билан бир қаторда Навоийнинг сўзга, тилга бўлган қарашлари, тил тўғрисидаги шеър ва ўйтлари кенг ўрганилмоқда. Бироқ бу борада ҳам бир қатор муаммолар йўқ эмас.

Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқлиги, турли даврларда хилма—хил маънио касб этувчи сўзлар қўлланилганлигини аниқ манбалар асосида тушунира билиш имкониятига эга бўлишини талаб этади. Бунинг учун олий ўқув юртларида ўзбек тили тарихи, Навоий асарларига оид манбаларни тўғри талқин қиласиган равон ўқийдиган малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор бериш керак. Чунки Навоий асарларида қўлланилган аксарият сўзлар, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қўлланилади.

Тилшуносликда тил тарихи материаллари, хусусан, Навоий қўлёзма асарлари бирламчи манба ҳисобланади. Бирламчи манбаларни чуқур ва пухта ўрганмаган талабалар, ёш тадқиқотчиларнинг эртанги ижодий фаолиятлари мукаммал бўлмайди. Шунингдек, бу ҳол ўз она тилларини у қадар чуқур ўзлаштира олишиларига монеълик қиласи. Шунга кўра, бугунги талабалар, ёш тадқиқотчилар давр талабидан келиб чиқсан ҳолда, кўпроқ бирламчи манбаларга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқdir. Бу борада, аввало, ўрта ва олий ўқув юртларида манбашунослик, матншунослик, қадимги туркий тил, ўзбек адабий тили тарихи, ўзбек тилининг тарихий грамматикиаси, ўзбек тилининг тарихий лексикологияси билан бир қаторда Навоий асарлари тили ҳам алоҳида фан ёки маҳсус курс сифатида ўтилишини тўғри ташкил этиш, уларнинг мақсад ва вазифаларини таълим—тарбия тизимини яхшилаш талабидан келиб чиқиб ёритиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Айниқса, мутахассислар манбашунос ва матншунос сифатида Навоий асарларининг ички тил хусусиятларини

ёш тадқиқотчиларга ва кенг китобхонлар оммасига етказиб беришлари лозим. Зеро, мустақиллик йилларида Навоий асарлари "Мукаммал асарлар тўпламининг" нашр этилиши бу масалада янада катта масъулият юклайди.

Навоийшуносликнинг муҳим қирраси

Сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий мероси шундай уммонки, ундан дўру гавҳар қидирган ҳар бир киши ўз "мақсадига" етгай! Бу уммон ҳамон мавж уриб турибди. Эндилиқда она тили ва адабиётимизнинг истиқболи учун ҳам ана шу маънавий меросдан тўла—тўкис фойдаланиш фурсати етди.

Етук адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг "Навоий Машҳадда" сарлавҳали илмий мақоласида Машҳадда туркий тилдаги шеъриятни ўқиидиган ва тушунадиган кишилар ҳам бўлганлиги тўғрисида маълумот беради. "Бироқ улар, афтидан, ғоятда камчиликни ташкил этган. Навоийнинг шундай вазиятда ўз она тилида муттасил ижод қиласи ва 22—23 ёшлиридаёқ буюк ижодкор бўлиб етиштани тарихда феноменал бир ҳодисадир"¹, дейди олим. Кўринадик, ўз она тилининг толмас улуғ ижодкори Навоий йигитлик давридаёқ келажак авлодга бетакрор, бебаҳо «жавоҳир»лар хазинасини инъом этди. Демак, она тилимизнинг улуғ сарчашма манбаи бўлган Алишер Навоий сўз маҳзанларидағи ҳар бир сўз ҳам алоҳида қимматта эга. Дарҳақиқат, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов айттанидек, «Навоий шеъриятидаги сўзлар оламига қанча теранроқ кириб борсак, она тилимизнинг илоҳий жозибаси ва яратувчанлик қувватини ортиқроқ ҳис қиласиз»². Бундан салкам олти аср илгари ёзилган Навоий асарларининг мазмун—моҳиятини теран англашни, табиийки, қомусларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қомуслар қанчалик кенг қамровли бўлса, мумтоз асарларни тушуниш шунчалик енгил кечади. Қомуслар мумтоз асарларни ўқиш ва уқиш, уларга ҳаққоний баҳо беришда кўприк вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳар қандай ҳалқ

¹ Ҳайитметов А. Навоий Машҳадда// Сино. — Т., 2002, 7—сон, 19—бет.

² Ҳаққулов И. Абдият фарзандлари. — Т., 1990, 20—бет.

маънавиятиниг юксалишида қомусий манбалар алоҳида ўрин тутади.

Албатта, Алишер Навоий асарларига бағишлиб кўплаб мумтоз ва замонавий луғатлар тузилган. Улардан энг муқаммали тўрт жиёдли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»дир¹. Бироқ ўша давр мафқураси тақозо этган сиёсатта кўра мазкур луғатдан Навоий асарларидағи кўплаб сўз, атама ва иборалар (уларнинг айримлари диний ва тасаввифий атамалардир) тушириб қолдирилган.

Ушбу услубий қўлланмада Алишер Навоийнинг йигирма жиёдлик «Муқаммал асарлар тўплами»ни мазкур изоҳли луғатга қиёсий таҳлил қилиш асосий мақсад этиб қўйилган. Натижада, мазкур тадқиқот ишида ёзғувчи, гавҳаркаш, икмол, сиқоя, ёлғончи, гириҳонок, ёвуз, довул, даъб, вусуқ, дарб, ваҳдоният, боб, беқонун, бақдол, ақлкуш, арғамчи, амуд, амма, ад, узангур, уббод, филус, форуқ, хулъ, шўрба, фирбол, қоя, шўша, қубقا, ҳудус, ҳужла, мувааллад, мужодил, маҳзаж, мушоҳид, муқассам каби Навоий асарларида ишлатилган, лекин мазкур луғатда қайд этилмаган кўплаб сўзларни аниқлашига муваффақ бўлинди.

Иzlанишлардан яна шу нарса аён бўлдики, баъзи сўзлар нафақат «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да, балки ундан оддинги мумтоз қомусий манбаларда ҳам қайд этилмаган экан. Бундай сўзлар Навоий асарларида қандай маъноларда қўлланган бўлса, шундайлигича изоҳланди. Ҳар бир сўз ва унинг маънолари учун тегишли далиллар келтирилди. Ҳар бир мисолнинг адресати аниқ кўрсатилди. Қуйида изоҳлананаётган ана шундай сўзлар намуна сифатида келтирилди:

Абадият — мангулик, абадийлик;

Илоҳи азамат ва жабаруг — сенинг шаънингдадур ва мулку малакут — сенинг ҳукму фармонингда, азалиятингга бидоят йўқ ва **абадиятингга** ҳадду ниҳоят йўқ. (Муножот, 293).

¹ Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. IV жиёдлик, Т. 1983 - 85.

- абога** — Отанинг оға – иниси:
 Ва булар отанинг оға – инисини «**абога**» дерлар
 (Мұхокамат ул – лугатайн, 20).
- андуғин** — 1. мунгли, қайгули, аламли:
 ...Бу ҳадиснинг **андуғинига** партав
 солдингму ва ҳеч ерда ишнинг зеру забар
 бўлғанларидан ҳабар олдингму.
 (Насойим ул – муҳаббат, 205).
 2. дардли, ғамгин:
 Бадан дарддин ранжаву хаста доғи,
 Кўнгул ҳажрдин зору **андуғин** ҳам
 (Наводур уш – шабоб, 313).
- авқотлиғ** — покиза умр кечиришилик; ўз вақтини
 покиза (зикр қилиш билан) ўтказишлик:
 Софий **авқотлиғ** ва авродлиғ киши эрди
 (Насойим ул – муҳаббат, 430).
- жўлидамў** — хаёлпаст, паришенхотир, тарқоқ фикр:
 Суроҳи то майи лаълинг висоли орзу қилмиш,
 Ани бу мастилиғ девонаи **жўлидамў** қилмиш
 (Наводур ун – ниҳоя, 225).
- мегажин** — ёввойи чўчқанинг модаси, ургочиси:
 Ва бир шўрру шайнлиғ овки, тўнғуз овидур,
 анинг ҳам эркагин «қобон» тишисин
 «**мегажин**» ва ушоғин «чўрпа» дерлар
 (Мұхокамат ул – лугатайн, 20).
- авворалиғ** — уй – жойсизлик, саргардонлик; тинтишлиқ:
 Чорайи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар,
 Конумон таркин қилиб, **авворалиғ** кўнглум
 тилар
 (Фаройиб ус – сиғар, 168).
- сабзиғуруш** — сабзи сотувчи:
 Сабзиғурушлар дўконларида мутлақо
 сабзи йўқ эрди
 (Насойим ул – муҳаббат, 303).

- аинбон** — халта, түрва:
 Бир аинбонда тұла ўтмақдур
 (Насойим ул — мұхаббат, 410).
- беңурмат** — ҳурматсиз, обрұсиз, ҳурмати йүқ, ҳақорат
 этмоқ, обрұсина түкмоқ; бетакаллуф, қўпол,
 дағал сўзлар билан кишини ҳурматсиз этмоқ;
 Тиладики, аларни ранжида қилғай ва
беңурмат эттай. Бирорни ўз яқинларидинки,
 донишманә эрди ва сафиҳ эрди йибордики,
 жамъ орасида Мавлонодин сўргилки, сен
 мундоқ дебсан, агар иқрор қиласа, сафоғат қил
 ва оғзингдин келгунча сўк ва ранжида қил
 (Насойим ул — мұхаббат, 327).
- гавҳаркаш** — гавҳарли, дурли; ширали; чиройли; гавҳар
 терувчи:
 Тили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби
 пилранг,
 Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршиди занг
 (Наводир ун — ниҳоя, 298).
- арбадажӯ** — жанжал кўтарувчи; бақиравчи, шовқин — сурон
 қилувчи, тўполон қилувчи:
 Саломат аҳли, тутдинг дину оғиятқа азо,
 Ки, масту **арбадажӯ** чиқти номусулмоним
 (Фавойид ул — кибор, 277).
- ёлғончи** — риёкор, алдамчи, ёлғон гапирадиган одам:
 Ёлғончи сўзин бир икки қатла ўткаргай,
 ўзга неттгай? Ёлғони зоҳир бўлғондин сўнгра
 анга расвониг ётгай ва сўзи эътибори
 эл кўнглидин кеттгай (Маҳбуб ул — қулуб, 98).
- гириҳнок** — 1. чигилли, мушкуллик:
 Ҳар лаҳза ишимни чархи бебок,
 Ул ришта била этиб **гириҳнок**
 (Лайли ва Мажнун, 15).

ёзувчи//ёзгучи — 1. ёзувчи; битгувчи:
Фасонам ёзгучи, билким, битик узра сочар
кулдек
Куюб сочилғуси коғозга илгингдин қалам
бир кун
(Бадойиъ ул — бидоя, 442).

авродлиғ — зикрлик; ўз вақтини зикр қилиш билан
үтказышлик, яхши дуолик, яхши нафаслик,
шукрлилик:
Хожа Исҳоқ Шаҳид муридидур, Хонақоҳи ва
муридлари бор эрди. Ва замон халойиқининг
анча кўп иродати бор эрди. Софий авқоталиғ
ва **авродлиғ** киши эрди
(Насойим ул — муҳаббат, 430).

зийбақ — симоб; кумуш суви:
Хиром вақтида суръатидин юзики терлаб бўлиб
биайнинҳ,
Гул узра шабнам йўқ эрса, хуршид уза сочилған
сиғор **зийбақ**,
(Наводир уш — шабоб, 227).

ад — нумератив сўз; адад, сон — саноқсиз:
Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучио кетгучи беҳадду **ад**
(Ҳайратул — аброр, 249).

аввалдин-охир — бошдан — охир, бошдин — оёқ, бутунлай, тўлиқ:
Назар айлаб борин **аввалдин-охир**,
Бўлуб бошдин — оёқ оллимда зоҳир
(Фарҳод ва Ширин, 44)

авқар-вақор — виқорли, жиддий; обрўли; олий мартабали,
олий даражали, олий мақомли:
Душанба куни ойнинг йигирма тўққизида
жамъи машойих ҳозир эрдилар, мисли
Шайх Али Ҳайтий ва Шайх Нажибуддин
Суҳравардий ва гайриҳумо бир **авқар**

вақор ва бебаҳолиғ киши кирди ва дедики,
(Ассалому алайк, эй Аллоҳ валийиси!)
(Насойим ул – муҳаббат, 378).

- азҳо** — ийди қурбон, зулҳижжа ойининг ўнинчи
кўнларида ўтказиладиган Қурбон ҳайити
байрами:
Мисрда бўлур эрди. Шайх Сирвонийнинг
устодидур. Ул дебдурки, Ибн Хаббоздин
эшиттимки, дедиким, **азҳо** ийдида жамра
яқинида эрдим
(Насойим ул – муҳаббат, 141).
- довул** — ҳарбийлар учун маҳсус ногора:
Довулаға бўлуб тўппи янглиғ бари,
Ўтоға бош узра сариқ қуш пари
(Садди Искандарий, 174).
- иљтиҳоб** — иссиқлик, оловнинг ловиллаб ёниши;
асабийлашмоқ; жаҳли чиқмоқ;
Тиф селобидин бериб бас кин,
Кин ўти **иљтиҳобига** таскин
(Сабъаи сайёр, 62).
Эсиб ҳалқ сари насими висол,
Менга ҳажр ўтидин ётиб **иљтиҳоб**
(Наводир уш – шабоб, 49).
- исирға** — сирға, қулоққа тақиладиган олтин, кумуш
каби металлардан ясаладиган зийнат буюми:
Олтун **исирғаки** қулоқ оғритур,
Зарҳал этуқдурки, оёқ оғритур
(Ҳайратул – аброр, 167).

Бундай сўзлар "Хамса бо ҳалли луғат"да, шунингдек
шоир асарларидаги яна айрим сўзлар "Абушқа", "Санглоҳ".
"Луғати Амир Навоий", "Ҳалли луғат «Хамса»йи Навоий",
"Дар баёни луғати Навоий", "Ҳалли луғати чигатойи

«Хамса»и Навоий», «Лугати туркий», «Лугати атрокия» сингари мумтоз қомусий манбаларда ҳам қайд этилмаган¹.

Баъзи сўзларнинг изоҳли лугатга кирмай қолиши бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлган кўринади. Айрим сўзлар, бизнингча, лугат тузувчи жамоа ёки ноширлар назаридан четда қолган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, шоир асарларидағи «Насуҳ» сўзи изоҳли ва замонавий лугатларда учрамайди. Бу сўзнинг маъноси ҳануз очилмай қолмоқда. Зоро, янти нашрда ҳам бу сўз кичик ҳарф билан ёэзилганлиги юқоридаги холосага келишимизга сабаб бўлади:

Буюрма тавба яна носиҳоки, мугбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба, тавбасида **насуҳ**².

Ёки:

“Тубу илalloҳ” ила топса футух,
Бўлса бу тавбаки, топибдур **насуҳ**³.

Бу сўзнинг асл маъносини чуқурроқ англани учун, аввало, диний манбаларга мурожаат қилиш керак: уларга кўра, қадим замонда бир подшоҳнинг ҳарамида аёл қиёфали, хушсурат бир йигит яшаган экан. Унинг исми Насуҳ бўлган. У ўзининг ташки кўринишидан фойдаланиб, подшоҳ ҳарамига ўрнашиб олган. Бир куни ҳарамдаги аёллардан бирининг узути йўқолиб қолади. Подшоҳ мулоzимлари ҳарам аёлларини бирма – бир тафтиш қила бошлайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда бўлади. Мулоzимлар ҳарамдаги ҳар бир аёлни текширганда Насуҳнинг жони гўё халқумига келади, жони танасидан чиқаёзади. Навбат Насуҳга етганида мулоzимлардан бири узук топилди, деб қолади. Тафтиш тўхтатилади. Насуҳнинг сири ошкор бўлмай, сирлигича қолади. Лекин, жони омонда қолган Насуҳ Аллоҳга минг бора шукроналар келтиради. “Бу ҳарамни елқамнинг чуқури кўрсин, то тирик эканман, ҳаргиз бу ишни бошқа тақрорламайман”, деб онт ичиб, тавба қилади ва ҳарамга бошқа йўламайди. Насуҳ умрининг охирига қадар шу ваъдасига содик қолади. Шунинг учун ҳам

¹ Улбу лугатлар ЎЭРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўйләзмалар ҳазинасида 7861, 9954, 6803,3324, 5197 ашёвий раҳамалари билан сақланади.

² Алишер Навоий. Бадойтикул – бидоя. Т., 1987, 106 – бет.

³ Алишер Навоий. Ҳайрлатул – аббор. Т., 1991, 264 – бет.



Қуръони каримда “Ә айюҳаллазина оману тубу илоллоҳи тавбатан Насуҳан” – Эй имон келтирғанлар, агар тавба қылсаларынг худди Насуҳ тавбасидан чин тавба қилинглар” дейилган [22 : 8]¹. Тасавнуфий мәнбаларда ҳам аслида ҳақиқиј тавба Насуҳ тавбасига нисбатан айтилиб, ило-ҳийдир дейилади. Агар Аллоҳ тавбани банданинг күнглига солмаса, у ҳақиқиј тавба қилмай, бу дунёдан сүқир ҳолда ўтиб кетаверади. Алишер Навоийни юқоридағи байтларида айлан ана шундай ҳолат баён этилган.

Мазкур баёндан күрениб турибдики, Алишер Навоий асарларида мазмун – моҳияти очиб берилмаган бундай сүзлар талайгина. Алишер Навоий асарларидағи янги аниқланган сүзлар қомуслар ва умумтилшұнослик манбаларини түлдириш учун хизмат қилибгина қолмай, балки шу билан биргалиқда ёш адабиётшунос, муаррих, қолаверса, кенг китобхон мұхлисларға ғоя ва образларни таҳлил қилишида ҳам құл келади. Бундай сүзлар маңнавиятимиз дүрдоналаридаги мазмун – моҳиятни чуқур идрок этишга, демек, ўзлигимизни янада теранроқ англашга имкон беради. Қолаверса, ўзбек адабий тилинининг келажақдаги тарақ – қиёти ҳам бундай сүзлар таҳлили билан чамбарчас бөглиқ.

“Маҳбуб ул-қулуб” асаридағи янги аниқланган сүзлар талқини

Сүнгги йилларда халқимизнинг ўз үтмиш мәданий меросига бўлган қизиқиши тубдан ўзгарди. Айниқса, Алишер Навоийнинг нашр этилаёттан йигирма жиљдлик «Мукаммал асарлар тўплами»га бўлган эътибор давр талабига айланди. Тадқиқотимиз обьекти бўлган «Маҳбуб ул-қулуб» асари ҳам ана шу «Мукаммал асарлар тўплами»нинг ўн тўртинчи жиљидан жой олган².

Ушбу асар шоир ҳаётининг сүнгги йилларида ёзилган насрый асарларидан биридир. Асар ҳақида йирик шарқшунос филолог олимларнинг бир қанча мақола ва тадқиқотлари чоп этилган³. Собиқ иттифоқ даври мағкурасига кўра

¹ Қуръони карим. 22:8.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. – Т., XIV жилд. 1998.

³ Рустемов А. Некоторые грамматические особенности языка «Маҳбуб ул-қулуб» Алишера Навои. АКД – Т., 1958; Ганиева С. «Маҳбуб ул-қулуб» ҳақида //Ўзбек тили ва адабиети. АКД – Т., 1968. З – сов. 57 – 59 – бетлар, Мамадов Х. «Маҳбуб ул-қулуб»да сўтирияниг кўзма мисъида ишлатиляши // Тил ва адабиёт масалалари – Ҳужанд, 1969; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои АКД. Т., 1969 ва бошқ.

асардан ҳамд, наътлар тушириб қолдирилган. Аммо, мұхими бу ҳам эмас. Бундан чорак аср илгари Алишер Навоий асарларининг дастлабки академик нашрини тайёрлаш ҳақида сўз борганида навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов томонидан «Маҳбуб ул – қулуб»нинг нашри ҳақида танқидий фикр – мулоҳазалар билдирилган эди: «Шоир таваллудининг 500 йиллигига түхфа сифатида академик А.Н. Кононов «Маҳбуб ул – қулуб»нинг йиғма (сводный) текстини тайёрлаб нашр эттирган эди. Аммо унда муаллиф матнини қайтадан тиклаш мақсад қилиб қўйилмагани учун, ундан илмий – танқидий матн ўрнида фойдаланиш қийин. Шу сабабдан бу хил асарларнинг ҳам илмий матнини яратиш эҳтиёжи «сезилади»¹. Зоро, бу ҳол ҳам асарнинг тил хусусиятлари, айниқса, лугавий бирликлари борасида узил – кесил илмий хulosалар чиқаришга ҳам монеълик қиласлар эди. Демак, асарнинг мукаммал илмий – танқидий матни йўқлиги ҳамда тўлиқ нашр этилмаганлиги туфайли жуда кўп лугавий бирликлар қомусий манбалардан жой олмаган. Натижада бу хилдаги сўзларнинг маъно қирралари очилмай қолган. Асар тилидаги бундай сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили муаммоларини ечишдаги ўрни то ҳануз ўрганилмаган. Дарҳақиқат илмий изланишларимиз жараёнида юздан ортиқ лексик бирликлар «Навоий асарлари тилининг тўрт жиљдлик изоҳли лугати»² да ҳамда лексик тадқиқот ишларида ҳам қайд этилмаганлиги маълум бўлади.

Улут мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб ул – қулуб» асарида ҳар бир сўзни гўё садафдек жойлаштирган. Бир қарашда содда равон тилда ёзилгандек кўринадиган бу насрый баённи қанчалик ўқиганимиз сари мураккаб тафаккур дунёсига қадам қўяётганимизни қалбан ҳис этиб, ақлан идрок эта бошлаймиз. Гўё кишига насрый баён эмас, ашъор ўқиётгандек бўлади. Қуйида ана шундай сўзларнинг маънолари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз: «Қора қузғунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир. Ёруғ кунни тийра тун деса, сужо кўринадур демаган мудбир»³. Рамз тилида битилган ушбу жумлалардаги туйғун, қоз

¹ Алишер Навои. Возлюбленный сердце. Сводный текст подготовил А.Н. Кононов. М.-Л., 1948; Алишер Навоий. Асарлар XIX жилд. Т., 1963.

² Алишер Навоий асарлари тилининг тўрт жиљдлик изоҳли лугати. Т., IV жиљдлик, 1983 – 1985.

³ Алишер Навоий. «Маҳбуб ул – қулуб». -- Т., 1998, XIX жилд. 15 – бет.

сўзлари Навоий асарларининг кўп томли изоҳли лугатида эътироф этилмаган. Навоийнинг тилсимли тилида қўлланилган түйғун сўзи қиргий ёки қарчифайнинг эркаги маъносини англатса¹, қоз сўзи эса, «сувда сузувчи йирик қуш, ғоз» маъносини англатиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ғоз сўзининг дастлабки фонетик вариантдоши ҳисобланади². Қоз сўзи айрим фонетик ўзгаришлар билан ҳозирги ўзбек адабий тилида, шунингдек шева материалларида қўлланилиб келинмоқда. Демак, «Маҳбуб ул – қулуб» асаридаги ўз қатламига хос янги аниқланган сўзларнинг айримлари турли соҳаларга оид бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг лугавий таркибига нисбатан унчалик катта ўзгаришларга учрамаган дейиш мумкин. Бу хилдаги лексик бирликларнинг истеъмол доираси ҳам чегараланмаган: чолғучи (МҚ, 31)³, ясанчоқ (МҚ, 121), ёлғончи (МҚ, 99), йўрга (МҚ, 42), соғлиғ (МҚ, 38), тиљлик (МҚ, 42) ва бошқалар. Бундан ташқари асар тилидаги яна бир қатор туркий сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида маъноси торайган масалан: тоқча сўзи «Маҳбуб ул – қулуб» тилида бир ўринли қўлланилиб, «я», «ин» маъносида ҳам қўлланган: «ободлар анинг зулмидан вайрона, кабутар тоқчалари бойқушға ошиёна» (МҚ, 15). Бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида асосан маҳаллий уйларда идиш – товоқ ва анжомлар қўйиш учун деворга ўйиб ишланган маҳсус жой тушунилади⁴. Алишер Навоийнинг «Насойим ул – муҳаббат» асарида эса ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ушбу маъноси ҳам қўлланган: «Ва Шайхнинг хилватига кириб зиёрат қилурда ўз ижозатномаларининг саводини кўрубдурларки, бир токчада эрмиш олибдурлар ва ҳам – ул дастур била толиблар ва муршидларға тарбиятга машғул бўлибдурлар»⁵.

Асарда бир ўринда эътироф этилган қарлуғоч сўзи «қалдирғоч» маъносини ифодалаган: «Ҳақгўй» қўшнинг тамкин била зикр айтуди қошида қарлуғочнинг бемалол янгшамоги маломат келтирур ва мусҳаф авроқин хирад

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М., 1983, II жилд, 198 – бет.

² Девону луготит турк: Индекс. Т., 1960, 341 – бет.

³ Қавс ичидаги шартли қисқартма, раҳамлар асарноми ва саҳифаларинигина билдиради: «Маҳбуб ул – қулуб», 31 – саҳифа. Кейинги ўринлардада шу тарзда берилади.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М., 1983, II жилд, 198 – бет.

⁵ Алишер Навоий «Насойим ул – муҳаббат». – Т., 2001, XVII жилд, 346 – бет.

нири тиловат қилурда лаим тифлнинг елпугуч била варақни совурмоги кудурат еткуурүр» (МҚ, 84). Ушбу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит түрк» асарида қарліғоч тарзида қайд этилган¹ (ДАТ, 352). Кўринаники, мазкур сўз ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан шаклий ўзгаришига юз тутган. Бу тоифа фонетик ўзгаришларга учраган сўзлар талайтина қисмни ташкил этади: очгучи (МҚ, 7) > очгуви; қарлуғоч (МҚ, 84) > қалдирғоч; чопқу (МҚ, 48) > чопқи; чолғувчи (МҚ, 31) > чолғучи; юраксизлик (МҚ, 92) > юраксизлик; унутқувчи (МҚ, 98) > унутгувчи; тутқувчи (МҚ, 98) > тутгувчи; тушургувчи (МҚ, 56) > туширгувчи; сочқучи (МҚ, 7) > сочгуви; соғалиф (МҚ, 38) > соғалиқ; ёқилғувчи (МҚ, 92) > ёқилгувчи). Бироқ «Маҳбуб ул – қулуб»даги кўплаб туркий сўзлар ҳеч қандай фонетик ўзгаришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланади: дегувчи (МҚ, 14), ёлғончи (МҚ, 14), йўрға (МҚ, 42), кўргувчи (МҚ, 86), олғувчи (МҚ, 18); солгувчи (МҚ, 66), сўзлагувчи (МҚ, 27), ўқигувчи (МҚ, 11) > ўқигувчи.

«Маҳбуб ул – қулуб» асари тилида «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да изоҳланмаган ўзлашма қатламга мансуб арабча, форсча сўзлар ҳам талайтина қисмни ташкил этади: девкирдор (МҚ, 66) – бадкирдор, ёмон феълли бадкор; муғаҳаввири (МҚ, 75) – жасур, кўрқмас, диловар; сатват (МҚ, 70) – шукуҳ, дабдаба, шавкат, ҳужум, ҳамла, қаҳр; таъзиб (МҚ, 57) – қийноқ, озор бериш; зиллуллоҳ (МҚ, 12) – Оллоҳнинг ердаги сояси; миннатсиз (МҚ, 99) – беминнат; музмин (МҚ, 74) – дарди бедаво, давосиз дардга мубтало бўлган; номастур (МҚ, 42) – нопок; нуҳусатшиор (МҚ, 95) – шум нияти, бадбаҳт; пуштакаш (МҚ, 37) – жўяқ олувчи; разиллик (МҚ, 34) – тубанлик, пасткашлиқ, нокаслик; раҳнагар (МҚ, 22) – путур етказувчи; ҳузуз (МҚ, 56) – лаззат, насиба ва бошқалар.

Хуласа қилиб айтганда, «Маҳбуб ул – қулуб» асари тилидаги маъноси очилмаган, «Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да қайд этилмаган сўзларни лексик – семантик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек тили ва адабиётининг келжақдаги равнақи, истиқболи учун мұхим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Алишер Навоийнинг

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит түрк: индекс. – Т., 1967, 352 – бет.

бадиий маҳорати ва баркамол ижодий меросига тўлиқ баҳо беришга ҳам имкон яратади. Қолаверса, «Маҳбуб ул-қулуబ» асари тилидаги янги аниқланган сўзлар талқини ўқувчи – ёшларни асарининг мазмун – моҳиятидан янада яқиндан боҳабар бўлишларига кўмакдоп бўлади деган умиддамиз.

Навоий қўлёзма асарлари – санъатларнинг сараси ва алифбо

Ўзбек халқининг беназир шоири, нафосат хазинабони Мир Алишер Навоийнинг ёзма мероси нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг Рим, Нью – Йорк, Гариж, Оксфорд, Италия, Кембриж, Берлин, Лондон, Филадельфия, Урумчи, Санкт – Петербург, Москва, Ленинград, Техрон, Машҳад, Исфахон, Шероз, Табриз, Кирмон, Кобул, Душанбе каби шаҳарларидаги машҳур кутубхоналарда сақланмоқда¹.

Манбалар ўзининг мазмун – моҳияти, салмоғи жиҳатидан ҳам жаҳон маданиятида юқори кўрсаткични ташкил этади. Шу ўринда илмий кузатилиларимизнинг обьекти бўлган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз кўринади.

Ўз РФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил топганидан бўён унда Алишер Навоий асарларининг кўплаб қўлёзма нусхалари тўшлианди. Дастраб 1952 йилда Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасидаги асарларнинг айримлари нашр қилинди. Ана шу кўп томли “Шарқ қўлёзмалари тўплами”² дан шоир асарлари ҳам ўрин олган. Кейинчалик “Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги” алоҳида тадқиқот обьекти сифатида шарқшунос олим Қ.Муниров, А.Носировлар

¹ Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий асарларининг Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари. – Т., 1970; Абдуазизов А. Алишер Навоий меросининг хорижий залларда ўрганилиши. – Т., 1991; Мадридю Пистазо. Рукописи с сочинениями Алишера Навои, хранящиеся в библиотеках Италии// Алишер Навоий туттилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Т., 1991, 45 – 46 – бетлар; Мадраимов А. Ленинграддаги Алишер Навоий асарларининг XV – XVII аср зийнати қўлёзмалари // Алишер Навоий туттилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Т., 1991, 47 – 49 – бетлар.

² Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. – Т., 1952-1987.

томонидан тузилиб, 1970 йилда чоп этилди¹. Ушбу тадқиқот иши Навоийшунос, манбашунос тадқиқотчиларга мұхим, қимматли манба сифатида құл келади. Зеро, Навоий құләзмалари каталогыда деярли ҳар бир асарнинг күчирилған йили, жойи, котиби хусусида аниқ маълумотлар түпленгән.

Сүнгти йилларда, давр тақозоси билан құләзмаларни ўқий өладиган ёш олимлар иқтидорига алоқида эътибор берип жиҳати күчайды. Дарҳақиқат, доимо мозийга қайтиб иш күриш бобокалонларимизнинг қон-қонига сингиб кетған бир одатдир. Ўтмишда яратылған ҳар бир құләзма асарларнинг ишончли нұсхаларини аниқлашы, құләзмаларни ишончсиз манбалардан фарқлай олиш малакасига бўлган талаб кучая бориши табиий.

Ўтмишда яратылған ҳар бир құләзма асар ўша давр турмуш тарзидан, маданияти ва лисонининг қай даражада эканлигидан даракчи бўлиб келади. Кўринадики, адабий құләзма асарлар ва тарихий құләзма ҳужжатлар матнини илмий – танқидий ўрганиш ва напи्र қилиш билан боғлиқ ишларни ривожлантириш, хусусан матншунослик билан ёндош соҳа бўлган библиография, манбашунослик, полиграфия, археография, хаттотлик, герменевтика, қадимий луғатчилик, тарихий поэтика, услубшунослик соҳалари бўйича бир қатор құлланмалар тузиш йўлидан бориш ҳам бугунги она тилимизнинг истиқбол сари одимлашида имконият яратади. Чунки ҳозирги она тилимизда яратылған адабиётлардаги матний парчаларда парадигматик ва синтагматик муносабатни ўрганиш ҳам бир қатор мушкулотларни туғдиради. Бунга боис, қадимги матн парчалари, құләзмалардаги матнларни таҳлил қилиш то ҳануз ўрганилмаёттанлигидадир. Бундан ташқари, баъзи ёш тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларида муайян таҳлилларнинг етишмаслиги ҳам бирламчи манбалардаги матн таҳлиларини пухта ўзлаштиrolмаёттанларини билдиради. Демак, ҳар қандай тадқиқот йўналишини тўғри белгилаш учун биринчى галда бирламчи манбага мурожаат қилинади. Шу маънода Алишер Навоий құләзмалари хусусияти билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Муриров Қ., Носиров А. Алишер Навоий асарларининг Шарқшунослик институти тўпламидаги құләзмалари. Т., 1970.

Зеро, Алишер Навоий қўлёзмалари ҳам Шарқнинг машҳур зарринқалам, қилқалам хаттотлари томонидан юксак маҳорат билан кўчирилган¹. Бунинг учун аввало, тадқиқотчилар хаттотлик санъати сирларини ёшларга пухта ўргатишлари зарур. Чунки Алишер Навоийнинг улкан мероси бизга эски ўзбек алифбосидаги хаттотлик санъати орқали етиб келган. Маълумки, ушбу ёзувда битилган кўп асрлик нодир қўлёзма матнларни ўқиши эса, кишини шахмат ўйини сингари фикрлашга чорлаган ва бу айниқса, ёци авлодни маънавий камол топишида муҳим омил санаалган.

Ўтмишда ҳам бобокалонларимиз ёшлиарни жисмонан соғлом, ақлан баркамол қилиб тарбиялашга эътибор қаратган. Бунда араб хаттотлигидаги зеру забарсиз мумтоз қўлёзма манбалардан ўқитишини муҳим услубиёти сифатида қўллаганлар. Бундай услугуб шубҳасиз самарали натижага берган. Умуман, қўлёзма асарлар хоҳ зеру забарли, хоҳ зеру забарсиз бўлсин, таълим жараёнида ўқитиши услубиётининг муқаммал маибай бўлиб хизмат қилган². Қўлёзмалар котиб ва хаттотлар томонидан шу даражада маҳорат билан ёзилганки, натижада Шарқ хаттотлик санъати туркий маданиятнинг ноёб санъати сифатида шакланиб, етти иқлимга довруғ таратган. Бунда хаттотлик нафақат зоҳирлан ёзув санъати, балки, ботинан ўша давр комил инсонининг ички маданияти, мунааввар ҳиссий олами, қолаверса, таҳайюлотини ўзида мужассам этган. Бу ҳолни юксак даражада хаттотлик санъати билан ёзилган Алишер Навоийнинг қўлёзма асарларидан пайқаши унчалик мушкул эмас.

Хаттотлик санъати ўтмишда нафақат Ўрта Осиё ҳудудида, балки, чет мамлакатларда ҳам юқори нуфузга эга бўлган. Эндилиқда ҳам XXI асрда санъатларнинг энг сараси бўлиб қолмоқда.

Хаттотлик санъати дейилганда кўз ўнгимиизда чиройли араб хат турларида нақш қилинган намуналар, сирли ўймакор нақши санъатлари намоён бўлади. Хаттотлик санъати тарихи араб ёзуви манбалари билан чамбарчас борлиқ.

¹ Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчириган хаттотлар // Илмий тўплам. — Т., 1991, 44 — 45 — бетлар.

² Шукуров Ш. «Ғаройиб ус — сигар»нинг зеру — забарли қўлёзма нусхаси ҳақида // Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигиги багишлан илмий конференция тезислари. — Т., 1991, 49 — 50 — бетлар.

Тұғрироғи, Шарқда хаттотлик ишлари араб ёзуви билан бирга кириб келгән¹.

Үтмишда араб алифбосида яратылған құлөзма асарлар асосан, хаттотлар томонидан күчирилған. Бу ёзувдаги нодир құлөзмалар буюк санъат даражасида битилған. Ҳеч шубхасиз, XIV–XV асрларда Farbda "хайкалтарошлиқ" юқори нуғузга зға бўлган санъат бўлса, Шарқда "хаттотлик" санъати энг олий мақомга мушарраф бўлған(изоҳ бизники – М.А.). Бунинг устаси, бу – санъат ижодкори "хаттот" деб юритилған. "Хаттот" сўзи арабча бўлиб, унинг асл луғавий маъниси "Хусниҳат ёзувчи", "каллиграф" деган маъноларни ифодалайди. Хаттотлик машаққатли меҳнат билан рӯёбга чиққан. Қолаверса, у кишидан сабр, чидам, кўникма, малака, истеъдод талаб қилған – истеъдодсиз киши ҳар қанча меҳнат қилмасин, бу илм моҳиятини, яъни хаттотлик санъати сир – синоатларини идрок эта олмаган. Шу маънода Навоий құлөзма асарларида чиройли ҳусниҳат, ёзув билан боғлиқ бўлған синоатлар кўп учрайди. Шоир, құлөзма асарларида хат ва хаттотлик билан боғлиқ тушунчаларга кенг ўрин беради ва чиройли ҳусниҳат соҳибларини ўз сўзлари билан муносиб тақдирлайди: "Яхши хат ва нуқтадин сафҳага жамол, андоқки, яхши юз саҳфасига хатту хол, хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткарур"². Шунингдек, Алишер Навоий киши чиройли хат соҳиби бўлған билан бесавод бўлса, у ҳам яхши аломат эмаслигини такрор – такрор айтади: "Улки, бежо нуқта била "ҳабиб"ни "хабис" қилғай ва "муҳаббат"ни "меҳнат" аниңдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат"³. Ёки муаллиф бадхат бўлишилик ёмон иллат эканлигини ҳам ўқувчига алоҳида уқтиради: "Ямон хатта ғалати беҳисоб, қарийи масхара соқолига хизоб. Ул хатни қирқиб мабразға ташлағали яхши ва иясини молики дўзах жаҳаннамға бошлағали"⁴. Демак, Алишер Навоийнинг хаттотларга бўлған эътибори, талаби туфайли шоир асарлари хаттотлар томонидан нодир құлөзма ҳолига

¹ Муродов А. Үрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т., 1971.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул – қулуб // Мукаммал асарлар туплами. – Т., 1998, 26 – 27 – бетлар.

³ Үша асар, 27 – бет.

⁴ Алишер Навоий. Маҳбуб ул – қулуб // Мукаммал асарлар туплами. – Т., 1998, 26 – 27 – бетлар.

келтирилган. Бундан ташқари, бу – ўша даврда хаттотлиқ санъати бебаҳо санъат эканлигини ҳам англатади. Шу маънода Навоий асарларининг янги нашрларидағи биргина техник камчилик "хабис" сўзининг "ҳабис" тарзида ёзилиши ҳам эндилиқда янглиш муаммоларнинг юз беришига сабабчи бўлиши мумкин. Бир қарашда арзимас бир техник камчилиқдай кўринадиган бундай ҳолатлар кўпаяверса катта имловий муаммоларга олиб келиши ҳам тайин. Негаки, амалда китобхонни чалғитиши шубҳасиз: масалан: "Улки бежо нуқта била "ҳабиб"ни "ҳабис" қилғай"¹. Қўлёзмага кўра, «ҳабис» эмас, «хабис» тарзида ёзилиши мақсадга мувофиқдир. "Хабис" сўзи матний маъносига кўра, "нопок", "ифлос" деган маънони ифодалайди.

Навоий қўлёзмаларида хаттотлиқ хат, алифбо билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи кўплаб лексик бирликлар ҳам қўлланилган. Бундай сўзлар тадқиқотимиз жараёнида илк бора аниқланди: бўёғчи (НМ, 390)², ҳарф-баҳарф (ФШ, 56)³, ташдиқ (ФК, 127)⁴, ёзғувчи (ББ, 442)⁵, мўрҳат (ББ, 237), сулсий (ББ, 597) каби. Эътироф этилгандек бу хилдаги лексик бирликлар «Навоий асарлари тилининг "изоҳли луғати"да ҳам қайд этилмаган.

Кўринадики, шоир ҳарфлар имлосига алоҳида эътибор беради. У деярли ҳар бир асарида алифбодаги ҳарфлар хусусида жуда кўп тўхталади. Ҳарфларнинг таърифу тавсифини батафсил изоҳлайди.

Шу пайтга қадар Навоий асарларидаги алифбога муносабат турлича ўрганилган. Туркийшунос олимлар томонидан асосан, алифбонинг имло хусусиятлари, шоирнинг бу борадаги фикрлари каби масалалар қисман ўрганилган бўлса, адабиётшунос олимлар томонидан кўпроқ алифбонинг бадиий санъатларга алоқадор хусусиятлари тадқиқ этилган. Бироқ Алишер Навоий асарларидаги алифбонинг имловий ва вазифавий хусусиятлари алоҳида тадқиқот объект бўлган эмас. Шу туфайли ҳам шоир

¹ Ўша асар, 27 – бет.

² Алишер Навоий Насойим ул – мудаббат. //Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 2001, 390 – бет.

³ Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин. //Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1991, 56 – бет.

⁴ Фавоийд ул – кибор. //Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1990, 127 – бет.

⁵ Алишер Навоий. Бадойиъ ул – бидоя. //Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1987, 442 – бет.

асарларидағи алифбо билан бөглиқ баъзи масалалар ўз ечимини топмаган. Келажақда, ёш тишлинос, матншунос, адабиётшунос олимлар бу масалаларга албатта зътибор беради, деган умиддамиз.

«Мұхокамат үл—лугатайн»даги янги аниқланган сұзларнинг шарҳий муаммоси

Тилнинг лугат таркибини ҳар жиҳатдан ўрганиш тишлиносликнинг мұхим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шунға кўра, тил тарихи манбалари тилядаги турли соҳаларга мансуб лексик бирликлар таҳдилига бўлган талаб бутунги тишлинослигимиз тақозосидир¹. Негаки, мустақиллик йилларида ўз—ўзидан фан ва техника, ижтимоий—сиёсий, маърифий манбалар лугат таркибидаги баъзи сұзларнинг тарихан миллий маънодошларини тиклашга бўлган эҳтиёж тобора сезила бормоқда. Бунинг учун аввало, тил тарихи нуқтаи—назаридан айрим таянч тарихий мумтоз манбалар қайта—қайта таҳдил ва талқин этилиши зарур кўрилади. Шу маъпода «Мұхокамат үл—лугатайн» асари тилядаги янги аниқланган сўзлар талқини ҳам мұхим аҳамиятга моликдир.

«Мұхокамат үл—лугатайн» Алишер Навоийнинг 1499 иили ёзиг тутатган соғ тишлиносликка оид лингвистик асаридир. Асар мутафаккир олимнинг узоқ йиллик тажрибалари, тилларнинг келиб чиқиши юзасидан олиб борган ижодий изланишлари асосида ёзилган. Шу боис асардаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла таҳдили тишлинослик учун мұхим илмий маълумотлар бериши муқаррар. Чунки, «Мұхокамат үл—лугатайн»да тилларнинг гениалогик ва типологик таснифига хос дастлабки илмий фикр—мулоҳазалар билан бир қаторда умумий тишлиносликка доир илмий—назарий хулосалар баён этилган. Айниқса, асарда тишлинослиқдаги тил ва илоҳиёт, тил ва жамият, тил ва маданият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ каби долзарб масалалар тўлақонли ўз ифодасини топган ва бу — ҳозирги дунё тишлинослигининг тадрижий тараққиётини учун замин ҳозирлатган. Зоро, асар қиёсий тишлиносликнинг дастлабки

¹ Абдулхайров М. Ўзбек тиалини ўқигиши муаммолари // Шарқ юлдози. — Т., 2000, 3—4—сонлар.

методологик намунаси сифатида ҳам жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эталлаган. Демак, «Мұхқомат ул – лугатайн» асари тилини тадқиқ этиш нафақат Навоий асарларининг тили ва услубини ўрганишида, балки барча туркй асарлар тили хусусиятларини англашда ҳам яқиндан ёрдам берувчи бебаҳо манба ҳисобланади.

«Мұхқомат ул – лугатайн» (МЛ) ҳақида тишлонос олимлар бир қанча тадқиқот ишлари яратғанлар¹. Аммо асар тилидаги лексик бирликлар «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» (НАТИЛ)²та ҳамда «Мұхқомат ул – лугатайн» юзасидан амалга оширилган айрим тадқиқот ишларига чоғиширилганда кўплаб сўзлар мазкур тадқиқот ишларида қайд этилмаганлиги, шунингдек, бу хилдаги сўзларнинг лексик хусусиятлари ўрганилмаганлиги маълум бўлади. Албатта, Алишер Навоий асарлари учун тарихда ўнлаб лугатлар тузилган. XX асрда ҳам бу иш маълум маънода давом этган. Жумладан, «Лугати Амир Навоий», «Дар баёни лугати Навоий», «Ҳалли лугати «Хамса»йи Навоий», «Ҳалли лугати чифатои «Хамса»йи Навоий», «Абушқа», «Санглоҳ» ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимовлар томонидан тузилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат» (1953) ва яна шу муаллифлар томонидан тузилган «Алишер Навоий асарлари лугати» (1972) каби. Демак, МЛ тилидаги янги аниқланган сўзларнинг айримлари НАТИЛда акс этмаган бўлса – да, мазкур лугатларда қайд этилган бўлиши мукин. Бироқ, бу ҳол онда – сонда учрайди. Қолаверса, йирик туркийшунос олимлар кўмагида катта олимлар жамоаси томонидан узоқ йиллар мобайнида тузилган НАТИЛ ушбу лугатларга нисбатан мукаммалори ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан, МЛ тилидаги янги аниқланган сўзлар асосан, НАТИЛга қиёсланди ва ўрни билан тил тарихи юзасидан амалга оширилган лексик тадқиқот ишларига солиштирилди.

¹ Санакулов У. Исследование языка памятника XV в. «Мұхқомат ул – лугатайн» Алишера Навоий. АКД. – Т., 1971; Абдураҳмонов Ф. «Мұхқомат ул – лугатайн»нинг услубига оид баъзи мулоҳазалар. // Алишер Навоий тавалудининг 550 йиллигига бағишиланган илмий конференция тезислари. – Т., 1991, 53 – 55 – бетлар; Усмонов А. «Мұхқомат ул – лугатайн» Алишера Навои. – Т., 1948; Ахмедов А. «Мұхқомат ул – лугатайн»да тил масалаларининг ёритиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1990, З –сон. 8 – 15 – бетлар; Бафоев Б. Навоий назаридаги юзта феъл ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1990, 1 –сон. 21 – 27 – бетлар ва бошқалар.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 жилдлик. – Т., 1983 – 85. Ушбу изоҳли лугат бўядан кейинги ўринларада (НАТИЛ) ана шундай қыгъартма тарзида қайд этиди.

Тадқиқотда эса, ана шундай лексик бирликларнинг кўлланилиши ўрни билан лексик хусусиятларинигина таҳлил этиш асосий мақсад қилиб олинди. Асар тилидаги янги аниқланган сўзларни қуидаги мавзуй гурӯҳларга ажратиб таснифлаш мумкин:

1. Қариандош ургучилик ва улар билан боғлиқ гушунчаларни ифодаловчи сўзлар: **абоға** (МЛ, 20)¹.
2. Ҳайвон номлари: **мегажин** (МЛ, 20), **гуроз** (МЛ, 20).
3. Уй (чодир) жиҳозлари ва у билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: **кўзанак** (МЛ, 20), **увуғ** (МЛ, 20).
4. Инсоннинг иш фаолиятини ифодаловчи феъллар: **кундалатмак** (МЛ, 13), **суқадамак** (МЛ, 13), **чупрутмоқ** (МЛ, 13), **киркинмак** (МЛ, 13).
5. Баъзи феъллар: **исқармоқ** (МЛ, 12), **кўруксамак** (МЛ, 13), **қиқзанмоқ** (МЛ, 13), **ядамоқ** (МЛ, 13) **сижилмоқ** (МЛ, 22).

Мазкур феъл туркумига оид сўзларнинг айримлари шоирнинг «Мұҳокамат ул – лугатайн» асаридан бошқа асарларида қўлланилмаган². Шунингдек, бундай феъл туркумига доир сўзлар эътироф этилганидек, НАТИЛда ҳам қайд этилмаган. Алишер Навоий бошқа асарлари сингари ушибу асарида ҳам ўз сўз қўллаш бадиий маҳоратини олий даражада намойиш эта олган. У туркий сўзлар билан бир қаторда арабий, форсий лексик бирликлардан имкон қадар маҳорат билан фойдаланган ва бу ҳол асар тилининг услубига таъсир қилмай, балки аксинча МЛ бадиий ифода қатламини бойита борган. Айниқса, шоир асарида арабий сўзларни араб тилининг флексив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклларида қўллаган. Масалан, асар тилида бир ўринда қўлланилган **тааммуқ** сўзи НАТИЛ ёки Навоий асарлари тилига багишланган бошқа тадқиқот ишларида ҳам кўрсатилмаган. Мазкур сўз «Мұҳокамат ул – лугатайн»да «бир ишда юқори натижага эришиши»; «чуқур фикр юритиши» каби маъноларда қўлланилган: «Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли аниңг **тааммуқида** ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар, тарсъи санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи

¹ Қавс ичидаги шартни қисқаргма, раҳамлар асар номи ва саҳифаларинигина билдиради: «Мұҳокамат ул – лугатайн», 20 – саҳифа. Кейинги ўринларда шу тарзда берилади.

² Бағоев Б. Навоий назаридаги ютта феъл //Ўзбек тили ва адабиёти. — Т., 1990, 1 –сон, 21 – 2/ – бетлар.

ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким» (МЛ, 31), тааммуқ сўзининг таъмиқ шакли эса, Навоий асарларида қўлланган¹. Кўринадики, асар тилидаги бундай сўз шакларининг айримлари ҳатто бошқа туркий манбалар ва лугатларда учрамайди. Ан шундай қиёслаш имкони бўлмаган ҳолларда янги аниқланган сўзлар асосан, матний маъносига кўра изоҳланади.

Шунингдек, «Муҳокамат ул – лугатайн» асари тилида фақат бир ўринда ишлатилган **дилбонг** сўзи ҳам ушбу тарзда НАТИЛ ёки бошқа тадқиқот ишларида учрамайди. **Дилбонг** сўзи асар тилида «дил ноласи», «дил фарёди», «дил садоси» маъноларида қўлланилган:

Ки то бўлғай жаҳон бори бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларга бу **дилбонг** бор ўлсун.
(МЛ, 10)

Тадқиқот жараённида маълум бўлдики, баъзи сўзлар нафақат НАТИЛда, балки ундан одинги мумтоз лугат манбаларда ҳам эътироф этилмаган. Масалан, **тезфаҳмроқ** – зийракроқ, нуктадонроқ; **латоифосор** – қимматли; **маорифнигор** – буюк; **мегажин** – ёввойи чўчқанинг модаси, ургочиси; **абога** – ота – онанинг оға – иниси каби сўзлар «Хамса» бо ҳалли лугат»да, шунингдек шоир асарларидаги яна айrim сўзлар «Лугати Амир Навоий», «Дар баёни лугати Навоий», «Ҳалли лугати «Хамса»йи Навоий», «Ҳалли лугати чигратои «Хамса»йи Навоий», «Луготи атрокия» каби мумтоз қомусий манбаларда ҳам акс этмаган². Шоир асарларига бағишлаб тузилган мазкур лугатларнинг баъзилари алоҳида тадқиқот объекти бўлган³. «Муҳокамат ул – лугатайн»даги бундай сўзлар асарни қайта – қайта ўқиши, НАТИЛга қиёслаш, картотека қилиш, тартиблиш, изоҳлаш, у ёки бу манбаларга солиштириш орқали белгиланди.

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. З – жилд Т., 1983 – 1985, 208 – бет.

² Ушбу лугатлар УзРФА Абу Райдон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўллөзмалар хизянисида 7863, 9954, 6803, 3324, 5197 инвентаръ рақамлари билан саҳлавади.

³ Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. АКД – Т., 1989;

Шараҳмедова Н. Словарь «Хамса ба ҳалли лугат». //Адабий мерос. – Т., 1988, 2 –сон ва бошдалар.

Шундай қилиб, «Мұхқамат ул – лугатайн» асари ти哩даги маъноси очилмаган, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да қайд этилмаган сўзларни лексик – семантик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек тили ва адабиётининг келажақдаги равнақи, истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати ва умумий тилшуносликка доир илғор фикрларини ўрганишга ҳам имконият яратади.

«Мажолис ун – нафоис» асари ти哩даги янги аниқланган сўзлар

Сўз мулкининг хазинабони Мир Алишер Навоий адабий мероси асрлар оша мангаликка юз тутиб келмоқда. Қолаверса, Навоийнинг бой маънавий меросига дунёдаги турли мамлакатларнинг илмий марказларида қизиқиш кун сайин орта бормоқда. Зоро, шоир асарларининг ҳар бири ўзига хос бетакрор бадиий ранг – баранглик касб этган. Шулардан, Навоий яшаган давр адабий муҳити ва ундан олдинги «шоири даврон»ларнинг таржимаи ҳоли, ижоди ҳамда Султон соҳибқирон Ҳусайн Бойқаронинг шеър ёзиш салоҳиятига бағишлиган «Мажолис ун – нафоис» алоҳида илмий қимматга молик бўлган ноёб қўлёзма манба ҳисобланади. Алишер Навоий ушбу асарини 1490 – 91 йилда ёзган ва 1498 йили уни тўлдириб, иккинчи таҳририни амалга оширган¹.

«Мажолис ун – нафоис»да нафақат туркигўй балки форсигўй шоирлар ижодиётига ҳам кенг ўрин берилган. Шоир асарининг биринчи мажлисидаёқ форсигўй шоирлар ҳаёти ва ижодига тўхтатади ва кейинги ўринларда ҳам зуллисонайн, форсигўй шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Дарҳақиқат, ҳаётда ҳеч бир эзгу иш жавобсиз ҳолмаганидек, «Мажолис ун – нафоис» XVI асрдаёқ уч маротаба форс тилига таржима қилинган ва баъзи тўққиз қисмдан иборат форсий «замима» тазкираларнинг бош қисми фақат Навоийга бағишлиган².

¹ Ганиева С. «Мажлису – н – нафоис» ва замима» тазкиралардан бири // Ином ал – Бухорий сабоқлари. Т., 2003. 1 –сон, 27 –бет.

² Ганиева С. «Мажлису – н – нафоис» ва замима» тазкиралардан бири // Ином ал – Бухорий сабоқлари. Т., 2003. 1 –сон, 27 –бет.

Ушбу асар ҳақида етук матншунос ва адабиётшунос олимлар бир қатор тадқиқот ишлари ёзишган. Айниңса, бу борада Порсо Шамсиев, Ойбек, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, Ҳ. Сулаймонов, А. Ҳайитметов ва С.Фаниева каби беназир олимларнинг хизматлари катта бўлган. Жумладан. А.К.Боровков, А. Н. Болдурев, С.Фаниева, Р.Воҳидовлар томонидан ёзилган тадқиқот ва нашр ишлари алоҳида таҳсинга лойик¹. Шунингдек, мустақиллик йилларида ҳам қайта нашр этилган «Мажолис ун – нафоис» йигирма жилдлик «Муқаммал асарлар тўплами»нинг ўн учинчи жилдидан жой олган². Албатта, «Мажолис ун – нафоис» нинг тил хусусиятлари ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлган³. Аммо, асар тилида яна бир қатор сўзлар мавжудки, улар «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» ва тил тарихи юзасидан амалга оширилган тадқиқот ишларида ҳам эътироф этилмаган⁴. Демак, мазкур лексик бирликлар изоҳи, лисоний таҳлилисиз, Айниңса, «Мажолис ун – нафоис»нинг тил хусусиятлари борасида узил – кесил иммий хуносалар чиқариш мумкин эмас. Шу маънода, ушбу мақолада «Мажолис ун – нафоис»даги бу тоифа янги аниқланган сўзларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтиди.

Алишер Навоий бошқа асарлари сингари ушбу асарида ҳам ўз сўз қўллаш бадиий маҳоратини олий даражада намойиш эта олган. У туркий сўзлар билан биргаликда арабий, форсий лексик бирликлардан имкон қадар маҳорат билан фойдаланган ва бу ҳол асар тилининг конструкцион тузилишига таъсир қўлмай балки «Мажолис ун – нафоис» (МН) бадиий ифода қатламини бойита борган. Айниңса, шоир асарда арабий сўзларни араб тилининг флекстив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шакларида қўллаган. Масалан, **мунқавий** сўзи асар тилида бир ўринда қўлланиб матний маъносига кўра, «маҳкам», «собит» маъноларини ифодалаган: «Улави ҳимматдин дунё мофийҳоға этак силкиб

¹ Боровков А.К. «Мажалис ан - нафоис» (собрание редкостных) Известия АН СССР отд. лит-ры и языка.-1947 тома, вып 6.. Болдырев А.Н.Персидские переводы «Мажалис ан - нафоис» Алишера Навои. Ученые записки ЛГУ. Серия востоковедческих наук. 1952 № 128 вып 3; Фаниева С. Давр адабий ҳамёт қўзгуси // Алишер Навоий «Мажолис ун – нафоис» иммий – танқидий матн. – Т., 1981; Воҳидов Р. «Мажолис ун – нафоис» нинг форсий таржималари. – Т., 1984.

² Алишер Навоий // Муқаммал асарлар тყылами.-Т., 1987-2004

³ Насиров И. Лексика «Маджалис ан - нафоис» Алишер Навоий // Автореф. канд дисс. – Т., 1980.

⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 жилдлик. – Т., 1983 – 85.

мақсуд қаъбасида **мунқавий** бўлибдур ва ҳамул даражадин моҳалақаллоҳ балки мосиволлоҳни мавҳума маҳз, балки маъзуми мутлақ билиб вусул ҳаримида эътикоф қилибдур»¹, **мунқавий** сўзининг қавий шакли эса, Навоий асарларида сермаҳсул қўлланган. Асар тилидаги бундай сўз шаклларининг айримлари ҳатто, бошқа туркий манбалар ва луғатларда учрамайди. Ана шундай қиёслаш имкони бўлмаган ҳолларда янги аниқланган сўзлар асосан, матний маъносига кўра, изоҳланади. Шунингдек, асарда араб тилига хос тўтри кўпиклар иштирокида янги сўзлар ҳосил қилинган: **мустағалот** – «ғалла экиласидиган ерлар»: «Фонийваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий **мустағалоту** ҳосили била қаноат қилиб эрди» (МН, 37)². Кўринадики, бунда мутафаккир араб тилининг наҳадар чуқур билимдони сифатида ўз сўз қўллаш санъатини кўрсата олган. Шунга кўра, асар тилидаги бундай лексик бирликларни қўйидагича таҳдил қилиб ўтиш мумкин:

1. Туркий сўзлар.

таёғламоқ – «урмоқ», «калтакламоқ»:

«Сўфининг мизожининг тезлик ва нозиклиги бу фоятгача дерларким, бир йигитга тааллуқ лофи урар эрмиш, аммо йигити анинг раи била бормаса сафиҳона алфоз била фаҳш айттур эрмиси ва **таёғламоқга** даги ҳам қилур эрмиш» (МН, 133).

тортқувчи – «тортгувчи»:

«Бу ҳарфқа даги туркий алфоз гүҳарин назм силкига тортқувчи шуаро таарruz қилмайдурлар, ҳамоноки, ишколи жиҳатидинидур, ёрдин не келса, они мубоҳ билиб, жон берурда дебтур» (МН, 177).

айтқувчи – «айтгувчи»:

«Субҳоноллоҳ! Офарин ул сонигаким, бир соҳиб давлатка мунча ҳусни ҳулқ ва камоли фазл ва баланд идрок ва табъ ва зеҳни пок каромат қилибдурки, бу афсоналарни ясад, бирорга боғласалар, эшигтан киши инона олмағай, балки жаълийдур деб, айтқучининг такалумига қулоқ солмағай» (МН, 209).

¹ Алишер Навоий «Мажолис ун – нафоис»// Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1997. 158 – бет.

² Ўша асар. Кавс ичидағи рақам «Мажолис ун – нафоис» асари саҳифасинигина билдиради. Кейинги ўрнларда ана шундай тарзда берилади.

сотиғ – савдо – «савдо – сотиқ»:

«Мавлоно Доий – доим Сарахсда ҳазрат Шайх Луқмон (құддиси сиррухұ) мазори бошида бўлур ва тоҳо сотиғ – савдоға ҳам иштиғол кўргузур» (МН, 89).

Шунингдек, асар тилида «ўқимоқ» феълининің «ўқули» тарзида құлланиши ҳам алоҳида лексик хусусият қасб этган: «Дедиларким: бу жамоат атфолидин биз тилаганда, сен келиб биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа «ўқули» деб ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар» (МН, 31).

2. Форсча сўзлар.

гардунжоҳ – «олампаноҳ»:

«Бу Хусрави гардунжоҳниким, насаби бобида хома сурсам юз минг хон ва хоқонни бу жузви муҳтасарда йиғиштурса бўлурмур?» (МН, 173).

фирдавстазийин – «жаннаторо; «жаннат сифат боғ»; «зийнатланған боғ»»:

«Бу Султони Соҳибқироннинг эрамойин сұҳбатларида ва фирдавстазийин хилватларида бу навъ ғарип латойиф ва ажиб заройиф ҳар лаҳза муглақиб ва мутавотир ва лаҳза мутазоид ва мутакосир зоҳир бўлур» (МН, 209).

Бундан ташқарии, асар тилида яна бир қатор қоришиқ форсий сўзлар учрайди: **ширинъашъор** (МН, 184), **ширина долиқ** (МН, 80), **нодиран** (МН, 149), **вужудлуқ** (МН, 44) ва бошқалар.

3. Арабча сўзлар.

истиқрор – «сабот», «матонат», «чиdam», ўз сўзи, аҳдида событ туриш»; «барқарорлик», «ўз вазифасини матонат билан бажариш»:

«Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат истиқрор била подшоҳға нағбат қиласурким, ҳеч киши андин бир номулоим нимаким, мужиби эътиroz бўла олғай нақл қилмайдур» (МН, 151).

мустазҳир – «умидвор», «кишидан бирор нарса умидидა қаттиқ умидвор бўлиш»:

«Ул бу иноятқа андоғ, мустазҳирким, баъзи маҳалда подшоҳ маслаҳати учун тенгрилиқдин ҳам тожовуз қилур эрди бўлғай» (МН, 139).

қабалжот – «ҳужжат», «ижозатнома», «никоҳ хати»:

«Мавлоно Низомиiddин қазо маснадида мутамаккин эрканда, маҳкамаси ва дор ул — қазосида сижилот ва қабалжот ва шаръиёт анга эврилур эрди» (МН,123).

ҳақир ул — жусса — «озғин», «заиф жуссали», «кичик жуссали»:

«Бағоят маҳрум ва вожиб ул — риоя ва номурод кўрундиким, ҳам ҳақир ул — жусса эрди ва ҳам сағир ус — син» (МН,78).

албақара — «қуръон сураси номи»:

«жавоҳир ут — тавсир» дурким, «албақара » сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлгай» (МН,119).

зулқофиятайн — «икки қофияли»:

«Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу факир қошида маҳолатдиндур» (МН, 68).

Асар тилида бир қатор арабий сўзларга форсий ўзак ёки қўшимчалар қўшилиши натижасида янги сўзлар ҳосил бўлган: **муолажапазир** — «даволовчи»: «Гаҳи савдоси андоқ ғолиб бўлурким, мизожи сиҳат конунидин мунҳариф бўлур, яна кўп заҳмат била » **муолажапазир** бўлур» (МН, 82).

косагар — «кулол», «лойдан кося ясовчи уста»: «Бовужуди улким атоси беназир **косагардурким**, чини ясар ва ииниси андоқ нақш килурким, Чин ва Хитода қила олмаслар (МН, 83) **ғаробатжуй** — «ажойиб», «қизиқарли»: «Хили жунун зотида борким, салоҳат касбига монеъдур, йўқ эрса, **ғаробатжуй** табъинаси бор (МН, 87).

Хуллас, «Мажолоси ун — нафоис» асари тилидаги янги аниқланган сўзлар талқини эндилиқда тиалшунослигимизнинг муаммоли масалаларидан бири бўлиб турган «Алишер Навоий асарлари тили изоҳли лугати»ни қайта мукаммал ҳолда тузишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилини мумкин.

Х У Л О С А

Мазкур услугбий қўлланмада буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларидағи янги аниқланган сўзларнинг шаклий — маъновий хусусиятлари таҳдил этилди ва қўйидаги вазифалар амалга оширилди:

1. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатига кирмай қолган сўзлар аниқланди;
2. Мутафаккир асарларидағи янги аниқланган сўзларнинг гениологик тарқиби тадқиқ этилди;
3. Навоий асарларининг изоҳли луғатига кирмай қолган сўзларнинг йиғиш тамоили белгиланди;
4. Сўзларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари ўртасидаги маънавий алоқалар ўрганилди;
5. Янги аниқланган лексик бирликлар олдинги давр ёзув ёдгорликлари ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тили ва шева материаллари билан қиёсланди;
6. Янги аниқланган сўз ва ибораларнинг ўзбек тили луғат таркибини бойитищдаги ўрни ёритилди.

Алишер Навоий асарларида учрайдиган тасаввуфий сўзлар ўз луғавий маъноларидан ташқари маъжозий маъноларда ҳам қўлланилган. Шоир асарларидағи бу тоифа сўзларни эски ва ҳозирги ўзбек адабий тили манбаларига муқояса қисқа турли ўзгаришларга юз туттанилигини кўрамиз. Бундай сўз ва атамалар эски ва ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан лексик–семантик ўзгаришларга юз тутган. Айрим сўфиёна истилоҳлар фақат XIV–XVI аср мумтоз асарлари тилига хос бўлиб, кейинги давр манбаларида учрамайди. Бу хилдаги сўзлар ҳозирда бадијитимизда ҳам қўлланилади, бироқ сўфиёна маъноларни ифодаламайди. Шунингдек шоир асарларидағи баъзи сўзларнинг сўфиёна маънолари Навоий асарлари юзасидан тузилган кўп томли изоҳли луғатда ҳам қайд этилмаган. Бундан ташқари, шоир асарларидағи кўплаб Қуръон сўзлари эътироф этилган. Зоро, бундай оят, ҳадис, иқтибос, Қуръон сўзлари замирада муҳим тарихий саналар, у ёки бу тарихий воқеаларга ҳамда илоҳиёт илмига ишоралар бор десак, шубҳасиз ҳеч муболаға бўлмайди.

Иш натижалари тилшунослик ва адабиётшунослик бүйича қилинаётган комплекс тадқиқот ишларига мұхим ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Негаки, совет даврида Навоий асарлари бир ёқлама талқин қилинган ва айрим тарихий ҳақиқатлардан кўз юмиб келинган. Қолаверса, ўша давр мағкурасига кўра Марказий Осиё манбалари тўлиқ нашр этилмаган ва Навоий асарларининг диний, тасаввуфга тааллукли қисмлари маҳсус тушириб қолдирилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ф.А. Узбек тилининг Хоразм шевалари. – Т., 1961.
2. Абдуллаев Ф.А. Арабизмы в узбекском языке: – АҚД. Т., 1945.
3. Абдурахмонов F, Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т., 1984.
4. Абдуазизов А.А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши. – Т., 1991.
5. Абдураҳмонов F, Шукуров Ш. Узбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973.
6. Абдулхайров М. Алишер Навоий меросининг муҳим қирраси. // Ином ал – Бухорий сабоқлари. – Т., 2003, 4 –сон.
7. Абдулхайров М. Ўзбек тилини ўқитиш муаммолари. //Шарқ юлдузи. – Т., 2000, 3 – 4 –сонлар.
8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати IV жилдик. – Т., 1983 – 1985.
9. Алишер Навоий. Возделенный сердец. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. М – Л., 1948.
10. Алишер Навоий Бадойиъ ул – бидоя. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1987.
11. Алишер Навоий. Наводир ун – ниҳоя. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1987.
12. Алишер Навоий. Фаройиб ус – сигар. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1988.
13. Алишер Навоий. Наводир уш – шабоб. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1989.
14. Алишер Навоий. Бадоиъ ул – васат. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1990.
15. Алишер Навоий. Фавоийд ул – кибар. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1990.
16. Алишер Навоий. Ҳайрат ул – аброр. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1991.
17. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1991.
18. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1992.
19. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. // Муқаммал асарлар тўплами. – Т., 1992.

20. Алишер Навоий. Садди Искандарий. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 1993.
21. Алишер Навоий. Мажолис ун – нафоис. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 1997.
22. Алишер Навоий. Маҳбуб ул – қулуб. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 1998.
23. Алишер Навоий. Мұхокамат ул – лугатайн. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 2000.
24. Алишер Навоий. Муножот. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 2000.
25. Алишер Навоий. Рисолай тиyr андохтан. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 2000.
26. Алишер Навоий. Насойим ул – муҳаббат. // Муқаммал асарлар тұплами. – Т., 2001.
27. Бафаев Б. Лексика произведений Алишера Навои: АДД; – Т., 1989.
28. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т., 1985.
29. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т., 1985.
30. Боровков А.К. «Бадаи ал – лугат». – Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961.
31. Дадабоев Ҳ. Алишер Навоийнинг насрый асарларидағи бир маънодошлиқ қатори хусусида. – Т., 2002.
32. Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969.
33. Комилов Н. Тасаввүф ёки Комил инсон аҳлоқи. Биринчи китоб, Т., 1996.
34. Маурицио Пистозо. Рукописи с сочинениями Алишера Навои, хранящиеся в библиотеках Италии. Илмий тұплам. – Т., 1991.
35. Мадраимов Ленинграддаги Алишер Навоий асарларининг XV – XVII аср зйнатлары қўлёзмалари Илмий тұплам. – Т., 1991.
36. Мамадов Қ. Лексико – стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: – Т., 1969.
37. Мамадов Қ. «Маҳбуб ул – қулуб»да сўзларнинг кўчма маънода ишланилиши Тил ва адабиёт масалалари. – Ҳўжанд, 1969.
38. Мамадов Қ. Алишер Навоийнинг зид маъноли сўзлардан фойдаланиши [Маҳбуб ул – қулуб асари]. – Адабий мерос: 1983, 3 сон.
39. Маҳмуд Кошгари. Девону луготит – турк: III жилдлик. – Т., 1960 – 63.
40. Маҳмуд Кашгари. Девону луготит – турк: Индекс. – Т., 1967.

41. Муниров К., Носиров А. Алишер Навоий асарларининг Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари – Т., 1970.
42. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т., 1971.
43. Неъматов Ҳ. Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т., 1993.
44. Нишонов А. Фонетико–морфологический и лексико–семантический анализ арабизмов в языке Навои: АКД – Т., 1990.
45. Носиров И. Лексика «Маджалис ан – нафаис» Алишера Навои. – Т., 1980.
46. Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Маҳбуб ул – қулуб» Алишера Навои: АКД – Т., 1958.
47. Рустамов А. Фонетико – морфологические особенности языка Алишера Навои: АДД – Т., 1966.
48. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т., 1979.
49. Рустамов А. Арабские формы множественного числа в языке «Маҳбуб ул – кулуб» Алишера Навои. Вопросы тюркологии – Т., 1965.
50. Умаров Э. Лексико – грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазойин ул – маоний» Алишера Навои: АКД – Т., 1968.
51. Усманов А. «Муҳокамат ал – лугатайн» Алишера Навои. Изд. АН УзССР, Т., 1948.
52. Фозилов Э. Алишер Навоий тилининг изоҳли лугатини тузиш ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1983, 3 – сон.
53. Шукуров Ш. «Фаройиб ус – сиғор»нинг зеру забари қўлёзма нусхаси ҳақида илмий тўплам. – Т., 1991.
54. Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – Т., 1990.
55. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II жилдлик. – М., 1981 – 83.
56. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтнинг қўлёзмалар хазинаси: 7863, 9954, 6803, 3324, 5197 ашёвий рақамли қўлёзмалар.
57. Қодиров М. Алишер Навоий «Хамса» асарида муаммо элементлари. //«Тиашунослик ва адабиётшунослик муаммолари». Т., 2002.
58. Фаниева С. «Маҳбуб ул – қулуб» ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1968, – 3 – сон.

59. Ҳайитметов А. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. — Т., 1976, 1 —сон.
60. Ҳайитметов А. Навоий Машҳадда. //Сино журнали. — Т., 2002, 7 —сон.
61. Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига багишланган илмий конференция тезислари. — Т., 1991.
62. Ҳамидов З. Ўзбек тили тарихи муаммолари хусусида. //Ўзбек филологияси масалалари. - Т., 2002.
63. Ҳаққулов И. Абдият фарзандлари. — Т., 1990.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Алишер Навоий асарлари тилининг ўрганилиш тарихи	6
Навоий асарлари тилини ўрганиш масаласига доир	9
Навоийшуносликнинг муҳим қирраси	11
«Маҳбубул – қулуб» асаридаги янги аниқланган сўзлар талқини	18
Навоий қўлёзма асарлари – санъатларнинг сараси ва алифбо	22
«Муҳокамат ул – луғатайн»даги янги аниқланган сўзларнинг шарҳий муаммоси	27
«Мажолис ун – нафоис» асари тилидаги янги аниқланган сўзлар	31
Хулоса	36
Адабиётлар	38
Мундарижа	42

**Босишга руҳсат этилди 28.01.2004. Ҳажми 2,75 босма табок
Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха Буюртма 238.
М. Улутбек иомидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди**

